

Янги боққа асос солинди

Президент Шавкат Мирзиёев 1 май куни Тошкент вилоятининг Қибрай туманида барпо этилаётган боғ ҳудудига ташриф буюрди.



Дарахтзорлар — юртга чирой берадиган, ҳаёт сифатини оширадиган манбалардан. Шу мақсадда шаҳар ва туманларимизда янги боғ ва сайилгоҳлар ташкил этилмоқда. Бундай “яшил ҳудудлар” сўнгги йилларда кўплаб қурилишлар бўлиб, тобора ривожланиб бораётган Тошкент шаҳри учун, айниқса, муҳим.

Давлатимиз раҳбари ташаб-

буси билан пойтахтимиз яқинида улкан манзарали боғ барпо этилмоқда. 25 февраль куни ушбу боғ лойиҳаси муҳокама қилинган эди. Бугун унга илк кўчатлар экилди.

Шу муносабат билан бу ерга парламент ва ҳукумат аъзолари, Тошкент шаҳри жамоатчилиги, нурунийлар, илм-фан ва санъат вакиллари, спортчилар, ёшлар йиғилди.

— Бугунги муборак Рамазон кунларида сизлар билан қўришиб турганимдан хурсандман. Халқимиз учун муносиб шароитлар яратиш бўйича кўп ишларни бошлаганимиз. Худо хоҳласа, мана шу баҳаво жойда 104 гектарлик боғ барпо этмоқчимиз. Бу хайрли ишнинг бошланиши ҳозирги улуг

айём кунларига тўғри келгани ҳам ҳосиятли, деб ўйлайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги боғ нафақат манзараси, ландшафти, балки мазмуни билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Боғнинг умумий кўриниши худди улкан дарахтнинг бешта шохи шаклида бўлади. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг

бешта устувор йўналишини ифодалайди.

Боғни оддий парк эмас, энг аввало, юксак маданият ва маънавият масканига айлантириш мақсад қилинган. Бу ерда одамлар табиат қўнида осуда дам оладиган сўлим ҳудудлар яратилади. Каштан, эман, чинор, лола, липа боғлари барпо этилиб, ноёб манзарали дарахтлар, буталар ва гуллар экилади. Сунъий кўл, спорт майдонлари, болалар ўйингоҳлари, фавворалар қурилади.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган Истиқлол мажмуаси ҳам шу ерда барпо этилади.

Президентимиз бу мажмуанинг тарихий-ғоявий аҳамиятини таъкидлади.

— Бу йил мустақиллигимизнинг 30 йиллигини нишонлаймиз. Лекин давлатчилигимиз 3 минг йиллик. Бу ана шу буюк тарихни кўрсатадиган мажмуа бўлади. Бу ерга келган ёшларимиз, чет эллик меҳмонлар ҳам шуни англайдиган далиллар акс эттирилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев бу боғ Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, улкан салоҳиятини, кўп миллатли халқимизнинг жипслиги ва аҳиллигини намойён этадиган мажмуа бўлиши кераклигини таъкидлади. Шуни ҳисобга олиб, бу муҳташам боққа “Янги Ўзбекистон” деб ном беришни таклиф этди. Йиғилганлар бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик билан бирга янги боққа кўчатлар ўтказди.

Аввал хабар қилинганideк, мазкур боғнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси ҳам бунёд этилади.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ МАСКАНИ

Кўчат экиб, боғ яратиш — халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Зеро, экётган ҳар бир дарахтимиз бизнинг эртанги кунга бўлган умид ва ишончимизни англатади. Шу билан бирга, бу амал келажак авлодга қаратилаётган эътибор намунаси ҳамдир.

■ Акс садо

Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ташкил этилган янги боғ ҳудудига ташриф буюрди. Бу ерда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан улкан манзарали боғ барпо қилинмоқда. Жорий йилнинг 25 февраль куни ушбу боғ лойиҳаси муҳокама этилган эди. Энди мазкур баҳаво ҳудудда 104 гектарлик боққа асос солинди. Давлатимиз раҳбари жамоатчиликл билан бирга янги боққа кўчатлар ўтказди.

Боғнинг номи ҳам ўзига хос — “Янги Ўзбекистон”. У нафақат манзараси, ландшафти, балки мазмуни билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Боғнинг умумий кўриниши худди улкан дарахтнинг бешта шохи шаклида бўлади. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини ифодалайди.

Боғни оддий парк эмас, энг аввало, юксак маданият ва маънавият масканига айлантириш мақсад қилинган. Бу ерда одамлар табиат қўнида осуда дам оладиган сўлим ҳудудлар яратила-

ди. Каштан, эман, чинор, лола, липа боғлари барпо этилиб, ноёб манзарали дарахтлар, буталар ҳамда гуллар экилади.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган Истиқлол мажмуаси ҳам шу ерда қад ростлайди. Президентимиз ушбу боғ Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, улкан салоҳиятини, кўп миллатли халқимизнинг жипслиги ва аҳиллигини намойён этадиган мажмуа бўлиши кераклигини таъкидлади. Дарҳақиқат, яшиллик мусаффо табиатнинг асосий илдизидир. Кўкка бўй чўзиб турган довдарахтлар, кўкаламзор жойлар кўзини яшнатиб, табиати тоза ҳаво билан таъминлайди.

Мутахассисларнинг таҳлилига кўра, бир туп дарахт кунига 2 килограммга яқин кислород ажратади. Йўл бўйларидидаги дарахтлар эса карбонат ангидрид газининг 30 фоизигача бўлган қисмини ютади. Албатта, кўчат экишда жойни танлай билиш, ниҳолни тўғри парвариш-лаш алоҳида эътиборни талаб этади.

➡ 2

ОГОҲ ОДАМ — ОҚИЛ ОДАМ

Бугун дунё косадаги тўла сувдек қалқиб турибди. Одамлар ҳар доимигидан-да меҳрга ташна, тинчликка зор, хотиржамликка интиқ... Яратганга минг шукрлар бўлсинки, ана шундай олағовур замонда мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Юртдошларимизнинг масрур юзу кўзларига боқиб, осойишталикнинг қанчалик улуг неъмат эканини яна бир қарра ҳис этамиз.

■ Муносабат

Бироқ ҳаёт йўллари пасту баландликлардан иборат. Афсуслар бўлсинки, орамизда Ватанимиздаги тинчлик-тотувликнинг қадрига етмай, турли алдов ва кутқуларга учиб, ўзга юртларга бош олиб кетаятганлар ҳам учраб турибди.

Шунга қарамай, инсонни олий қадрият сифатида эъзозлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан адашган бу юртдошларимизга яна ҳаётини тўғри йўлга солиш, жонажон Ватанимиз-

га қайтиб, ҳаловатда умргузаронлик қилиш учун имкон берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва бевосита топириқлари билан куни кеча “Меҳр-5” операцияси доирасида Суриянинг жанговар ҳаракатлар давом этаётган қисмидан жами 93 нафар юртдошимиз — 24 нафар аёл ва 69 нафар бола юртимизга қайтарилди.

Авалроқ, “Меҳр-1 2, 3, 4” гуманитар операциялари доирасида 438 нафар ватандошимиз Ўзбекистонга олиб келинган эди.

➡ 4

9 май — Хотира ва Кадрлаш куни

Иштихонлик Бердирасул бобо АМИНОВ:

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ УЧУН МИННАТДОРМИЗ

Ўтганларни хотирлаш ва тирикларни эъзозлаш маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Бу каби эзгу фазилатлар Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, жанггоҳларда жасорат кўрсатган юртдошларимизга иззат-икром кўрсатишдек хайрли тadbирларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Кадрлаш кунига тай-ёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бугун фарзандлари, кўни-қўшни, умуман, эл ардоғида умргузаронлик қилиб келаётган уруш қатнашчиларининг кўнглини тоғдек кўтариб, уларни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эъзозлашдек хайрли тadbирларни янги босқичга олиб чиқди.

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Қоратепа қишлоғида яшовчи 98 ёшли Бердирасул Аминов ҳам Иккинчи жаҳон урушида мардонавор иштирок этган. Эндигина 18 ёшга тўлганида ҳарбий хизматга отланган юртдошимиз жанг майдонларида кўрсатган жасорати туфайли қўллаб

орден ва медаллар билан тақдирланди.

Урушдан сўнг она юрти Иштихонга қайтиб, кунни тунга улаб ишлади, тинч, тўкин йилларни кўришни ният қилиб яшади. Эндиликда отахон ёшлигида орзу қилган ўша дорил-амон кунлар насиб этганига шукрона айтиб, фарзандлари, невара-чеваралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонини эшитиб, Бердирасул бобо Аминовнинг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилди.

➡ 3

Ҳозғонлик Турсункул бобо ЭРГАШЕВ:

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИБ ЧАРЧАМАЙМАН

Инсоният бир йилдан ошдики, COVID-19 аталмиш вирус билан ёнма-ён яшамоқда. Мурасасиз кечаётган бу кунлар банибашарга кўнгли хотиржамлиги, тинчлик ва турмуш тутумининг нақадар омонат, ҳаёт синовлари беаёв ҳамда ҳадсиз эканлигини кўрсатди.

Ҳозғонлик тўқсон саккиз яшар Турсункул бобо Эргашев — хасталикни енгган минглаб юртдошларимиздан бири. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, таълимда қарийб эллик йиллик тахрибга эга отахон йигирма икки кун даволаниб, дарддан фориг бўлди.

Бугун отахоннинг мамнун нигоҳларидан ажиб бир шукронани илғаш қийин эмас.

— Тўғриси айтсам, аввалбошдаёқ кексалар учун ўта тажовузор ҳисобланган хасталик менга шафқат қилади, деб

Суҳбатда куни кеча ўтган мулоқотлар давоми сифатида икки давлат раҳбарлари Қирғизистон — Тожикистон чегарасидаги вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар. Ўз вақтида қўрилган ва ўзаро мувофиқлашган саъй-ҳаракатлар туфайли давлат чегараси қисмидаги вазиятни барқарорлаштиришга эришилгани ва унинг кескинлашишига йўл қўйилмагани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари Марказий Осиё минтақасидаги барча масалаларни биродар мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида конструктив ва ишончга асосланган мулоқот орқали биргаликда ҳал қилиш борасида қатъий эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

ЎЗА.

ТАШАББУС ЙЎҚ ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

Коронавирус пандемияси бутун дунё иқтисодиёти, инсонларнинг турмуш тарзи ва фаровонлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Президентимиз раҳбарлигида ҳар ҳафта видеоселектор тарзидаги йиғилишларда раҳбарларнинг шахсий масъулияти, дахлдорлик туйғуси ҳамда жавобгарлик ҳиссини ошириш бўйича жиддий муҳокамалар ўтказилапти.

■ Халқ билан юзма-юз

Айни жараёнда юртимиздаги ҳар бир оила, инсон ҳаёти эътибордан четда қолмаслиги учун маҳаллабай ишлаш тизими яратилди. Амалдаги қонунчилик меъёрлари шунга мувофиқ тақомиллаштирилди, янгитдан ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Аммо шунга қарамай, ҳудудларда бегиланган вазифалар муштарак мақсад йўлида ҳамон ўзаро мувофиқлаштирилгани йўқ. Тўртта сектор раҳбаридида фидойилик кўрсатиш, ташаббускорлик етишмади. Маҳаллий ҳокимлик, депутатлар ҳамда тегишли масъул идоралар раҳбарлари ижтимоий шериклини йўлга қўймай, ўз билганича иш юритиб келмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирокида бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғо-

на вилояти Кенгаши, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, тўртта сектор, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда бу борада белгиланган вазифалар ижроси таҳлилий-танқидий руҳда ўрганилди.

Маълумки, шу йилнинг 12 — 17 апрель кунлари Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи Фарғона вилоятида маҳаллабай тизими асосида “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га қиритилган оилалар билан ишлаш, бандлигини таъминлаш, яшаш, ўй-жой шароитларини яхшилаш бўйича секторлар кесимида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни ўрганган эди.

➡ 2

гина эмас, ўтган умр, ортда қолган кунларни таҳлил қилиш имконияти, деб ҳам қабул қилдим.

Ушбу таҳлил деярли бир аср халқимиз бошдан кечирган яхши-ёмон кунлар, унутилаёзган хотиралар, завол топган минг йиллик қадриятлар ва бугун муҳда тортиб улгурган умид ниҳоллари билан боғлиқ мушоҳадалардан иборат.

Мен тарих ўқувчиси сифатида халқимизнинг собиқ тузум мафқураси асосида “яратилган” тарихидан ташқари ҳақиқий кечган ўтмишини ҳам ўрганганман. Унинг қарийб бир асрига жонли гувоҳман. Ўтмишга жорий мафқура кўзи билан ёндашиш, жамиятни таназзулга етаклайди.

➡ 3

ТАШАББУС ЙЎҚ ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

— Ишчи гуруҳи хулосаларини жойида ўрганиш мақсадида уч кун мобайнида Қўштепа, Тошлок, Олтириқ туманлари ва Қувасой шахрида бўлдим, — деди Танзила Норбоева. — Учта “дафтар” рўйхатиға киритилганлар билан ишлаш борасида Фарғонада тизим яратилган, лекин секторлар раҳбарлари, депутатларда фаоллик етишмапти.

Йиғилишда тош-шағал ерларда иссиқхоналар ташкил этишда Олтириқ тажрибаси, маҳаллада кичик sanoat корхоналари фаолиятини йўлга қўйишда Тошлок тумани ютуқлари, вилоятда 13 та худудда Хунармандлар марказлари барпо қилиш, кичик ва ёшлар

sanoat зоналарига катта эътибор қаратилаётгани алоҳида эътироф этилди. Аммо вилоятнинг ақсарият туманларида кам таъминланган қатламни уй-йўли қилиш, ижтимоий уй-жой ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳалардаги муаммолар ечимида суствашликларга йўл қўйилаётгани кескин танқид қилинди.

Тижорат банклари, тиббиёт соҳаси фаолиятидан одамлар мутлақо норози бўлмоқда. Мисол учун, Қўштепа туманида тадбиркорликни бошлаш ниятида кредит сўраган 900 нафар ҳамюртимизнинг 841 нафарига (93 фоиз) кредит берилмаган. Вилоятда туғиш ёшидаги аёлларнинг бор-йўғи 24 фоизи тиббий кўрикка жалб этилган. Оғир ижтимоий аҳолига тушиб қолган хотин-қизларни даволаш кўрсаткичи жуда паст, тиббиёт маассасаларида замонавий жиҳозлар етишмайди. 2021 йили вилоятда баъзи кўрсаткичлар бўйича жиноятчилик сони, оилавий ажримлар ошиб кетган. Маҳаллий бюджет маблағларини тасарруф этишда депутатлик ва жамоатчилик назорати сезилмапти.

— Секторлар кесимида бажарилиши керак бўлган ишларни ўзаро мувофиқлаштириш талаб даражасида эмас, — деди парламент юқори палатаси Раиси. — Вахонанки, масъуллар жорий йилнинг 1 сентябрь ҳола-

тига вилоятда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га киритилган оилалар қолмаслиғига ваъда беришган. Аҳвол шу таразда давом этса, давлатимиз раҳбари олдида уялиб қолишимиз аниқ.

Йиғилишда Бувайда, Қўштепа, Учкўприк, Фарғона, Тошлок, Бешариқ, Ўзбекистон, Риштон сингари бир қатор туманларнинг сектор раҳбарлари фаолиятида йўл қўяётган камчиликларини учун жиддий огоҳлантирилди. Шу йилнинг биринчи ярми якунида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

— Шаҳар-туманлар, секторлар раҳбарлари бугунги танқидлардан тегишли хулоса чиқариб олиши керак, —

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ МАСКАНИ



Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Экологик партияси ташаббуси билан “Кўчат экиб, боғ яратинг” широри остида ўтказилган экологик акция доирасида юртимиз худудларида минглаб дарахт кўчатлари ўтказилди. Айни пайтда ҳам кўчат экиб, боғ яратишдек эзгу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бундан 3 йил муқаддам Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо қилинишига киришилган эди. Бугунги кунга келиб бу борада катта қўламдаги ишлар бажарилди. Ўтган қисқа вақт давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,5 млн. гектардан ортиқ худудда ўрмонзорлар юзага келди, бу шубҳасиз, ўшбу глобал экологик муаммонинг ечими бўйича юртимизда кўрилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизнинг шаҳар-кўшкларидида бўй қўзиб турган дарахт кўчатларини муҳофаза қилиш, улар кесилишига йўл қўймаслик мақсадида Президентимизнинг шу йил 3 февралдаги Фармони билан республикада давлат ўрмон фондиға кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган матораторий муддати 2021 йил 31 декабргча узайтирилди.

Фармонга мувофиқ, эндиликда хар бир кесилган дарахт ва бута учун компенсация тарзида қимматлиги жиҳатидан кам бўлмаган, 10 туп йирик ўлчамли кўчат экиш ва уларни камда икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса уч йил давомида парваришlash шарти билан 100 туп кўчат экиш мажбурияти жорий этилди.

Яна бир жиҳат — бу йилги Давлат дастури билан ободонлаштириш бошқармалари таркибда дарахт ва буталарни ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил этилиб, ўшбу масалаларда муносабат тубдан ўзгармоқда.

Ўрганиш ва таҳлил НАТИЖАЛАР КЎП, МУАММОЛАР-ЧИ?

Олий Мажлис Сенати аъзолари ўз фаолияти давомида қонунларнинг ижроси масаласига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Яқинда қўмитамиз томонидан “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг Андижон вилоятидаги ижроси атрофидаги ўрганилгани мисолида ҳам бунни кўриш мумкин.



Қонун ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Бобур номидидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази биноси капитал таъмирланиб, мебель жиҳозлари хариди учун 1 миллиард 300 минг сўм, техника воситалари билан таъминлашга 200 миллион сўм ажратилган. Таққослайдиган бўлсак, 2019 йилда вилоятдаги ахборот-кутубхона ҳам-фармаси 16 минг 874 та, 2020 йилда 5 минг 618 та нусха босма ва электрон ахборот-кутубхона ресурслари билан бойитилган.

Вилоятдаги 17 та туман ва шаҳарда ахборот-кутубхона маркази, олий ўқув юртлири тасарруфида 4 та ахборот-ресурс маркази, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида 82 та, халқ таълими тасарруфида 766 та, соғлиқни сақлаш тизимида 6 та, мудофаа гарнизони тасарруфида 4 та кутубхона, маданият бошқармаси тасарруфида 9 та кўзи оғизлар кутубхонаси фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларида 55 та кутубхона ва 238 та китоб бурчаги ташкил этилган.

Ўтган йил давомида ахборот-кутубхона маркази жамғармасини бойитиш учун 5 минг 618 нусха босма ҳамда электрон ахборот-кутубхона ресурслари билан тўлдирилган. Айни чоғда 116 та аънавий ва виртуал китоб кўргазмалари ўтказилгани эътиборга молик. “Сиз учун бепул электрон китоб” лойиҳаси доирасида вилоят АКМ томонидан 56 та таълим муассасаси электрон кутубхонасига 4 минг 801 номдаги тўлиқ матнли электрон китоблар қўчириб берилган.

Ўрганишлар давомида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, муайян муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди. Хусусан, Қонунда ахборот-кутубхона муассасалари моддий-техника таъминоти ёмонлашувига, уларни меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, ахборот-кутубхона фондларини сақлаш норма ва шарт-шароитларига мос келмайдиган биноларга қўчиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлса-да, вилоятдаги деярли барча туман ҳамда шаҳар ахборот-кутубхона марказлари мослашмаган биноларда фаолият олиб бормоқда. Ўқув

ЭНДИЛИҚДА ФУҚАРОЛАР ҲАМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА МАСАЛА КИРИТИШИ МУМКИН

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида тизимли ўзгаришлар амалга оширилди. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Қонун кучга кирди

Шу йил 27 апрель куни Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун ҳам бу соҳадаги дадил қадамлардан биридир.

Маълумки, бугунги кунга қадар Конституциявий суднинг фаолияти 2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонун билан тартибга солиб келинаётган эди. Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан тасдиқланган Регламент билан белгиланб беририлган. Ақсарият мамлакатларнинг Конституциявий судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай қоидалар Конституциявий суд томонидан эмас, балки қонун билан белгиланиши назарда тутилган. Чунки иш юритишнинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини биринчи қўл билан боғлиқ ва шунинг

учун ҳам улар қонун билан белгиланиши лозим.

Янги Қонунда юқорида таъкидланган масалалар ҳал этилганлиги билан бир қаторда, мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Эндиликда оддий фуқаролар ҳам Конституциявий судга масала киритиши мумкин. Жумладан, Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муайян ишда қўрилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг тартиби ва механизми, Конституциявий суд мукоамаси, муддатлари, суд мажлисининг баённомасини юритиш, Конституциявий суд қарорларининг ижроси масалалари аниқ белгиланб берилди.

Масалан, Конституциявий суд судьясини ишни қўришда иштирок этишдан четлаштириш талаблари белгиланди. Хусусан, кўриб чиқиш предмети бўлган ҳужжатни тайёрлашда илгари хизмат макъеи са-

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ



Фикр

Масалан, қарорда қайд этилганидек, 2021 йилнинг 1 майидан бошлаб, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган микдордаги физ ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валюталда бериладиган кредитлар бўйича физ ҳаражатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган микдорларини сақлаб қолган ҳолда тақдим этилиши белгиланди.

Ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит микдорининг 75 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш микдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган

Тадбиркор халқи ишчан, меҳнаткаш, бордан йўқ қиладиган, элда маъмуричилик яратадиган бизнес вакилидир. Албатта, уларга қанча кўп имконият ва қулайликлар яратилса, ишлаб чиқариш кўлами ҳам, махсуслот ҳажми ҳамда сифати ҳам шунча ошиб бораверади.

Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ўшбу мақсадларни қўлаб қўлиб қилинган бўлиб, унда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратилган.

тижорат банклари кредитлари бўйича кафилик берилиши ҳам жорий этилди.

Яна шу жиҳатга эътибор қаратиш жоизки, тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафиликлар кредит шартномалари сонидан қатъи назар, берилади. Бунда компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси 10 миллиард сўмдан, кафиликларнинг умумий суммаси эса 8 миллиард сўмдан, бироқ умумий кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги белгиланб қўйилди.

Қарорда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини ўзи банд қилиш (томоқларнинг унум-

Юртимиз бўйлаб “Мустақилликнинг 30 йиллигига 30 та экобоғ”, “Яшил ҳудуд”, “Мўйноққа мадад” экологик веломарафони, “Дарахтларни сугоритиш ҳафталиги” каби экологик ташаббуслар ўтказилмоқда. Кенг жамоатчилик иштирокини қамраб олган бундай ташаббуслар юртимизни янада обод қилиш, “Яшил ҳудудлар” қўламини янада кенгайтириш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Нарзулло БОЛУМУРАДОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси.

КЎП АСРЛИК ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбек ва туркман халқларининг азалий дўстлиги ҳамда қардошлиқ узоқ тарихга эга. Бу икки халқнинг удуми, урф-одатлари, қадриятлари ва тили ўхшаш ҳамда муштаракдир. Ана шундай юксак ишонч ва эътиқодга эга халқларнинг яхши қўшничилик ришталари янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳамкорлик

Давлатимиз раҳбарининг Ашхобод шаҳрида Туркманистон Президентини Гурбангули Берdimухамедов билан бўлиб ўтган учрашуви икки халқнинг ана шу азалий қардошлиқ алоқаларини янада раванк топишига хизмат қилади.

Бинобарин, музокаралар чоғида икки томонлама ҳамда минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди ва айтиш жоизки, яқин кўшни бўлган бу мамлакат билан биргилликда саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми уч баробардан зиёдга кўпайиб, ўтган йил якунларига кўра 530 миллион долларга етди, 150 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилди.

Музокараларда, шунингдек, савдо, инвестициялар, sanoat кооперацияси бўйича, энг аввало, транспорт, энергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат sanoati, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги соҳаларида мавжуд соҳояхиятини янада тўлиқ ишга солиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод битимини бундан бўён ҳам биргилликда илгари суриш, шунингдек, Хитой — Марказий Осиё — Жанубий Кавказ — Туркия мултимодалий йўналишининг самарали ишлатилишини таъминлаш ҳамда транспорт-логистика инфрамуассасини ривожлантириш борасидаги ҳам-

Дилбўр УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МАҲАЛЛА КАТТА КУЧГА АЙЛАНДИ

Узоқ йиллар маҳалла тизимида ишладим. Шу боис ҳам соҳанинг пасту баландини яхши биламан, десам, муболага эмас. Яшириб нима қилдик, чор-ночор яшаётган айрим оилаларни қўриб, маҳалла фаоли сифатида қўлимиз калталигидан ўкинган пайтларимиз ҳам бўлган. Нар и босса, ўша оиллага маълум бир муддатта моддий ёрдам пули бериларди, холос. У ҳам ўта муҳтож фуқароларга ажратилар, олти-етти ойдан сўнг бу оиланинг аҳоли яхши томонига ўзгарадими, деган савол эса очиклигича қоларди.

Фармон ва ижро

Оққан дарё оқмай қолмас экан. Қаранг, кейинги йилларда ҳаётимиз нақадар янгилашмоқда. Хусусан, хар бир-римизнинг ҳаётимиз кечадагидан маҳалла тизимида ўзгаришлар катта. Мамлакатимиз Президенти 2020 йил 18 февралда қабул қилган “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар би-

вишлари билан яшаш ҳар бир маҳалла фаоли учун ҳаёт-мамонт масаласига айланди, десам, хато бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташрифидан сўнг бу йўналишдаги ишлар қамрови янада кенгайди.

Аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишнинг маҳаллабай — хонадонбай — оилабай — фуқаробай тизими йўлга қўйилди. Шу ўрганишлар асосида вилоятда ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир саналган 90 та маҳалла танлаб олинди. Уларнинг 70 таси туман марказидан олис, чегара худудларда жойлашган.

Аниқланаётган ҳар бир муаммо ечим топаётди. Масалан, Олот туманини олиб кўринг. Худуднинг аҳоли оғир, деяр биринчи навбатда рўйхатга киритилган учта маҳалласида ободон-

лаштириш ишлари тўлиқ якунланди. Уларда замонавий “Маҳалла марказлари” барпо этилди.

Жумладан, “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қад ростлади, давлат хизматлари марказининг филиали, кутубхона, оилавий поликлиника фаолият бошлади. Йўллар раво бўлди, спорт майдончалари қурилди. Ўндан зиёд ишоз ёшлар ва аёлларга контейнер вагонларда мий-ши ҳамда савдо хизмати кўрсатиш орқали даромад топиш имконияти яратиб берилди. Қўллаб оилалар иссиқхонали бўлди. Вилоятдаги қўллаб маҳаллалар мисолида худди шундай далилларни келтириш мумкин.

Бу ҳақда тўхталаётганимиз бежиз эмас. Вилоятда одамларнинг турмуш таъвишларини енгиллаштиришга қаратилган бу каби хайрли юмушлар-

Бехўд ЖУМАЕВ,
меҳнат фахрийси.

ЭЪЛОН

ОГОҲ ОДАМ — ОҚИЛ ОДАМ



Юртимизда давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитларга қаноат қилмай, ҳукуматимизнинг, диний идораларнинг, имом-хатибларимизнинг огоҳ-лантиришларига қулоқ солмай, чет элларга бориб, қўли қонга ботган разил кимсаларнинг, инсонийлик қиёфасини йўқотган одам шаклидаги иблисларнинг тазйиқларига гирифторм бўлган юртдошларимиз хатоларини кеч англаб етишяпти, кўзлари кеч очилляпти.

Улар муқаддас динимизнинг асл моҳиятини англаб етмагани, амалдаги қонунларимизга риоя этмагани, халқимизнинг минг йиллик қадриятларини топтагани учун ана шундай кўргиликларга дучор бўлмоқда.

Шунча огоҳлантиришлар, танбехларга қарамай, халиҳануз экстремистиқ ташкилотларнинг тузогига тушиб қолаётган юртдошларимиз, наҳотки, пайғамбаримиз Мухаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Мўмин киши бир тешиқдан икки марта қақилмайди”** (Имом Бухорий ривояти), деган муборақ ҳадисларини ёки халқимизнинг: “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади” деган маколани эшитмаган бўлса?!

Ахир бугун ойнаи жаҳон орқали, иқтимоий тармоқлар, интернет сайтларида ёт гоғларнинг таъсирига тушиб қолиб, қилмишини кеч англаб етган юртдошларимизнинг тақдирини намоёниш этилган кўрсатувлар, мақолалар, хабарларни кўрмаган, ўқимаган киши бўлмаса керак.

Хар биримиз, аввало, ўзимиздан, фарзандларимиздан огоҳ бўлишимиз шарт. Лоқадийлик ва эътиборсизлик кўп балоларнинг бошидир. Халқимиз бежиз “Сунгги пушаймон — ўзингга душман”, деймади. Пушаймон бўлмаслик учун, аввало, сергак ва огоҳ бўлиш талаб этилади.

Бугун ҳар қадамда фитналар уруғини сочишни касб қилиб олган ғаламисларнинг “сохта хижрат” тушунчаларидан жуда эҳтиёт бўлишимиз шарт. Бу хоинлар, манфур, бузғунчи кимсалар дин номи-

Нуриддин ХОЛИКНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби.

ШАҲРИХОНСОЙ УСТИДА янги кўприк қад ростлади

Шахрихон туманидаги Кўргонча маҳалласи таркиб топганига юз йилдан ошди. Бўстон ва Олтинкўл туманлари билан чегарадош ушбу ҳудудда айни пайтда 50 дан ортиқ хонадонларда 300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Қулайлик

Қишлоқларни ўзаро боғлаб турувчи, маҳалладан оқиб ўтувчи Шахрихонсой устидаги кўприк қурилганига 50 йилдан ошди. Бу давр мобайнида нене ўзгартирилган рўй берди, аммо кўприк ўзгармади. Дарвоқе, ўзгарди, ёмон томонга, яъни эскириб, фойдаланишга деярли яроқсиз ҳолатга келиб қолганди...

Яқинда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонаси томонидан амалга оширилган хайрли иш тубайли маҳаллада янги кўприк қурилди.

Дарҳақиқат, эни 7 метр, узунлиги 32 метрдан иборат ушбу буюк кўприк 100 тоннагача бўлган юкни бемалол кўтарарди. Мутахассисларнинг айтишича, ундан 60 — 70 йил давомда муаммосиз фойдаланиш мумкин.

— 2020 йилда Фарғона водийсида 6 та мана шундай замонавий, жаҳон талабларига мос кўприклар қуриб, фойдаланишга топширдиқ, — дейди қурилиш корхонаси раҳбари

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

дан гапириб, соф эътиқодимиз ва қадриятимизни қоралашга зўр бермоқда. Уларнинг асл мақсади мусулмонларнинг орасини ислоҳ қилиш эмас, балки нифоқ чиқаришдир.

Аллоҳ таоло улар ҳақида: **“Улар ўзларининг (ёлгон) қасамларини қалқон қилиб олиб, (одамларни) Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Бас, улар учун (охиратда) хор қилувчи азоб бордир”** (Мужодала сураси, 16-оят), деб марҳамат қилади.

Қолаверса, турли томондан ёғилиб келаётган мафкуравий, диний таҳдидлардан огоҳ бўлишимиз шарт. Улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг қуйидаги доно сўзлари ҳамон дордзарбдир:

Эрурсен шоҳ — асар огоҳсен сен,
Асар огоҳсен сен — шоҳсен сен.

Суриядан келтирилган юртдошларимиз орасида 7 нафар чин етимнинг ҳам борлиги юрак-бағримизни эзиб юборди. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мен ва етимни қафиллигига олган киши жаннатда мана шундай бўлади”**, дедилар ва кўрсаткич ҳамда ўрта бармоқларига ишора қилиб, бу бармоқлари орасини бир-бирига яқин тутдилар” (Имом Бухорий ривояти), деб марҳамат қилганлар.

Бошқа бир ҳадисда: **“Мусулмонларнинг уйи ичида энг яхшиши етимга яхши муносабатда бўлигандир. Мусулмонларнинг уйи ичида энг ёмони етимга ёмон муносабатда бўлигандир”** (Имом Ибн Можар ривояти), дейилган.

Одамларга яхшилик қилман, меҳр кўрсатаман деб жонини ҳалокатга қўйиб бўлса ҳам уруш ўчоқларидан ўз юртдошларини суғуриб олиб келган кишиларни, бу ишининг бошида турган раҳбарлар, айниқса, Юртобшомиз бугуннинг қаҳрамонларидир.

Аллоҳ таоло бу хайрли ишларга бос қўшаётган барча-барчани Ўз паноҳида асрасин. Қилган савобли ишларининг ажрларини кўпайтириб берсин. Хар доим соф-саломат қилсин. “Меҳр” операциялари, ўйлай-манки, юртдошларимизни янада ҳушёрроқ бўлишга, турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка чорлайди.

Таълимда маркетинг концепцияси: КЕЛАЖАККА КИРИТИЛГАН САРМОЯ

Малакали мутахассисларга ҳар соҳада талаб юқори. Ўз ишининг устасига айланиш учун эса кунт ва иқтидоргина етарли эмас. Энг аввало, пухта билим керак! Аммо илмни мажбурлаб сингдириб бўлмайди. Фақат устозу мураббийларнинг талабчанлиги билан узокқа бориш мушкул. Хатто ўзи астойдил ўқиб-ўрганиб, интилиб, университет ёки институт талабаси бўлганлар сафида ҳам бора-бора билим олишга қизиқиши сўнгган, ўзлаштириш даражаси пасайиб кетганларни кузатганмиз.

Мушоҳада

Хўш, нега шундай?

Назаримда, асосий муаммо таълим сифатида! Олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларда!

Шу сабабли кейинги йилларда бу соҳага эътибор ҳар қачонгидан кучайди. Юқори малакали, рақобатбардош, билимдон, иқдоркор ва инновацион фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш вазифаси устувор қилиб қўйилди. Бу борадаги энг асосий чора-тадбирлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегиясида ўз аксини топди. Мазкур ҳужжатда узлуқсиз таълим тизимини янада тақомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган.

Шу асосда Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги Фармониغا биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Бу дастуриламал ҳужжат замонавий билим ва юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Қолаверса, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришни кўзда тутди.

Энг афзал жиҳати, у таълим беришни таълим олувчига йўналтиришга қаратилган. Қолаверса, шаффоф, мотивацион ва индивидуал таълим траекторияларига асосланган бўлиб, илм масканларининг рақобатбардошлиги ва имкониятлари ошишига кўмак беради.

Мураккаб ва зиддиятли жараён

Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабалар сони 2020 йилда бакалавриятда 361 минг 739, магистратурада 11 минг 734 нафарни ташкил этган. Мухими, бу сўнгги уч йилдаги кўрсаткичлар билан қиёсланганда 1,5 баробар юқори.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилган. Бундан ташқари, 2019/2020 ўқув йилида 59 та муассасада сиртки таълим, 10 тасида кечки таълим шакли жорий этилган.

Юртимизнинг қатор университет ва институтларида хорижий турдош муассасалар билан ҳамкорликда қўшма диплом дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Албатта, бу тизимдаги янгилашларнинг дебочаси. Олдинда эса қилинадиган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўп.

Таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий бошқариш — анчайин мураккаб ва зиддиятли жараён. Хатто у иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ёки хизматлар соҳасининг бозор тан оладиган кўпгина тармоқларини бошқаришга нисбатан ҳам қийинроқ.

Таълим эса бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билангина чекланмайди. Балки жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда бошқа эҳтиёжларини таъминлашда муҳим омил бўлган меҳнат ресурсларини тайёрлаш ва тақомиллаштириб беришни ҳам амалга оширади. Шу сабабли таълим хизматлари бозорини тартибга солиш ҳамда уни замонавий маркетинг концепциялари асосида ташкил қилишда таълим олувчига йўналтирилган ва уларнинг эҳтиёжлари нуктаи назаридан ёндашиш талаб этилади.

Ўзини оқламаган ёндашув

Таълим хизматлари бозори — маркетингнинг янги истиқболли соҳаси. Шундай экан, бу жабҳада маркетингшунослик ва мониторингнинг аҳамияти жуда катта.

Аслида бу жараён Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 25 январдаги “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида йўлга қўйилган эди. Унда ҳар бир таълим муассасасида маркетинг хизматини жорий этиш ҳам белгиланган. Бироқ бу ҳужжатга кўра, талабалар ўқини тугатгач, иш бевуви корхона манфаатларини мувофиқлаштиришга даъват этилган. Университет ёки институт буюртмачи эҳтиёжи ва талабаларни қанчалик қаноатлантиришга эришса, унинг ривожланиш имконияти шунчалик ошиб бориши назарда тутилган.

Аммо бундай ёндашув ўзини оқламади. Чунки замонавий таълим хизматлари бозоридидаги маркетинг таълимнинг энг самарали вариантларини излайди. Битирувчини касб билан таништиришни ўзгартиради. Бозорни ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга оширади. Иқтисодиётдаги тузилмавий силжишлар асосида мутахассисларга бўлган талабни шакллантиради. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Тўлақонли маркетингни амалга ошириш учун эса кенг миқёсли ахборот ўта зарур. Мана, энди ўқув муассасаларимиз йилдан-йилга таълим хизматлари бозоридида фалолқч ишлаяпти. Натижада улар ўртасида рақобат кучаймоқда. Бунда маркетинг фаолиятини йўлга қўйишда аниқ ва илмий ёндашув ҳал қилувчи ўрин тутаётди.

Ўқув юртларининг товари ёки маҳсулоти нима? Бу маҳсулотлар қай тарзда ва қайси бозорга чиқарилади? Билим даргоҳларининг истеъмолчилари кимлар? Ҳозир бундай саволлар жавоби юзасидан ягона қараш мавжуд эмас. Нега?

Сабаби таълим муассасаси жамиятта бир вақтнинг ўзида таълим хизмати кўрсатади ва ўз фаолиятининг натижасини меҳнат бозорига чиқаради, унда корхона ва ташкилотлар истеъмолчи сифатида намоён бўлади.

Эволюциянинг олти босқичи

Таълимни биз сўз юритаётган илғор концепция асосида ташкил этиш борасида дунёга машҳур маркетинг олим Ф. Котлернинг қизиқарли тадқиқоти мавжуд. У ўқув масканларидаги маркетингга муносабат эволюциясини қуйидаги тартибда таҳлил қилишни тақлиф этган.

Биринчи босқичга кўра, маркетинг шарт эмас! Таълимнинг қадри маълум ва бунга тушунганлар билим олишга ўзлари келади.

Иккинчи босқич — “промоушн”. Таълим муассасалари талаб пастлигига тўқнаш келади ёки

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги Фармониغا биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Бу дастуриламал ҳужжат замонавий билим ва юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Қолаверса, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришни кўзда тутди.

уларга ўзлари хоҳлаган талабалар келмайди. Оқибатда улар истиқболли талабаларни излай бошлайди, уларга ахборот юборди, маълумотлар ва реклама материаллари тайёрлайди, қабул (саралаш) тизимини тақомиллаштиради.

Учинчи босқич сегментлаш ва маркетинг бўйича тадқиқотларни қамраб олади. Ўқув юртлари мавжуд ресурслардан юқори самарадорлик билан фойдалана бошлайди. Ўқишга ким қираётгани, кимни танлаш ҳақидаги қарор қандай ва ким томонидан қабул қилиниш тизимини қайта қўриб чиқади.

Тўртинчи босқич “Бозорда ўз ўрнини топиш” деб номланади. Кучли рақобат шароитида ўз ўрнини топиш зарурати кучайди. Абитурientлар баҳолай оладиган муайян кўрсаткичлар бўйича рақобатчилар ичида ажралиб туришга интилиш юқори поғонага кўтарилади.

Бешинчи босқич стратегик режалаштиришдан иборат. Таълим даргоҳлари узок муддатли режалаштириш ва башоратлаш, ривожланишнинг асосий йўналишини белгиллаш билан шуғуллана бошлайди.

Олтинчи босқичда талабаларни жалб этиш муаммоларининг бир қисми эканлиги ҳамда уларни “ушлаб қолиш” зарурияти асосий стратегик йўналишга айланади.

Қўрғалимиз, ҳар бир талабага ҳамкор сифатида ёндашув зарур. Ўзбекистон олий таълим тизимида шаклланаётган рақобат муҳитида шундай муносабат ўта муҳим. Бунга мос тартибқоидалар, талабаларга мослаштирилган ўқитиш



тизимларини босқичма-босқич жорий этиб бориш хизматлар мажмуида жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради. Булар қабул, таълим жараёни, ётоқхона, қарьера, ишга жойлаштиш ва бошқа масалаларга бориб тақалади.

Лекин мамлакатимиз олий таълим хизматлари бозоридидаги мавжуд ҳолат таълим муассасаларининг юқоридида келтирилган эволюция босқичларидан ўтиши учун етарлича вақт бергани йўқ. Вазият шундай бўлдики, амалда бир вақтнинг ўзида барча айтилган концепцияларни тўлалигича тадбиқ қилиш зарур бўлиб қолди. Бу эса мамлакатимиз олий ўқув юртларидан катта куч ва масъулиятни талаб қилиши тайин.

Талаб бўлмаса, талаба ҳам бўлмайди!

Ўз хизматини самарали сота олмаган таълим муассасалари бюджетдан ажратиладиган чекланган маблағ ҳисобига тегишли талабаларни бажаришга мажбур бўлади.

Маълумки, товарга бўлган талаб ҳажмини белгилаш маркетингнинг энг муҳим вазифаси. Агар университет ёки институт маркетинг олимлари ўз муассасаси хизматига талабни, уни ўзгартиришга таъсир этувчи омилларни тўғри

инобатга олиши лозим бўлган тавсиялар кўп.

Масалан, масофавий ўқитиш тизими бугунги кунда энг тез ривожланаётган соҳалардан биридир. Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришда унинг маркетинг хусусиятлари қатор имкониятларни тақдим этади. Шулардан бири — мослашувчанлик. Шахсга мўлжалланган таълим дастурларини шакллантириш, меҳнат бозори талабларига тезкор жавоб бериш, иш бевувиларнинг тахсил олувчилар касбий маҳоратига бўлган талабларини ҳисобга олиш мумкин.

Иккинчи афзаллик — модуллилик, яъни ўқув дастурларини модулли принцип асосида шакллантириш имконияти.

Мажмуавийлик — учинчи хусусият. Таълим асосий касбий фаолият билан уйғун ҳолда олиб борилиши мумкин. Вақтдан қатъи назар, таълим олувчи масофадан туриб дарсларни ўзлаштириб, телекоммуникация тармоқлари орқали алоқада бўла олади.

Худудий қамров — тўртинчи имконият. Талаба қайси ҳудудда жойлашгани ўқув жараёни самарасига тўқунлиқ қилмайди. Улар ҳар қандай ўқув ва ахборот маълумотларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Даромадлилик — бешинчи афзаллик. Таълим олиш учун кам харажат талаб этилади. Бу эса ОТМ ва ўқитувчилар даромадларини ошириш, таълим хизматларини экспорт қилиш, тақлиф этилаётган таълим хизматлари доирасини кенгайтириш имконини беради.

Масофавий ўқитишда асосий восита — рақамли технологиялар. Электрон шаклда таълим ресурслар компьютерлар, компьютер тармоқлари, мультимедиа тизимлари ва бошқалар қўлланилади. Ижтимоий жиҳати, яшаш жойи ҳамда яшаш шароити, оиланинг молиявий аҳолидан қатъи назар, барчага таълим олиш учун тенг имкониятлар яратди.

Масофавий тахсилда индивидуал таълим траекторияларига асосланган ўқитиш шаклига тезкорлик билан ўтиш мумкин. Қолаверса, нуфузли хорижий олимларни дарс жараёниларга кенг жалб этиш ташкилий қийинчиликлар тугдирмайди. Хорижий талабалар сонини максимал даражада ошириш, чет элда яшовчи ватандошларимиз учун ўзбек тилида тахсил олиш имконияти мавжуд. Бинобарин, онлайн дарсларга ва мазрузаларга талабалардан ташқари, тегишли фан соҳасига қизиқувчиларнинг пулли курслар асосида иштирокини таъминласа бўлади. Турли соҳа вакиллари таълим мавзуларига вебинарлар ташкил этиш учун жалб қилиш имконияти кенг.

Шунингдек, ҳар қандай коррупция ҳолатларини юзага чиқаришга имкон бевуви омиларни бартараф этиш ва шаффоф механизмлар яратиш осон. Талабалар билимини баҳолашда уларнинг профессор-ўқитувчилар билан бево-ситар алоқасиз шаклига ўтиш мумкин. Ўз навбатида, масофавий таълим тахсил олувчиларнинг реал сектор корхоналари билан самарали интеграциялашувига кенг муҳит яратди. Яна бир эътиборли томони, институт ёки университетнинг моддий-техник воситаларига қилинадиган харажатларини тежаж ҳисобига унинг инфратузилмасини ривожлантириш ва профессор-ўқитувчилар иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш имконияти катта.

Онлайн дарсларга қанчалик тайёрмиз?

Масофадан ўқитиш — муваффақиятли жараён. Шу билан бирга, у ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасига нисбатан маълум талабларни қўяди.

Жумладан, олий ўқув юртларида онлайн дарсларни ташкил этиш учун шунга мос техник жиҳозланган аудиториялар бўлиши жоиз. Ўқув-услубий материаллар, электрон дарслик, видео-маъруза ва тақдимотлар ҳам дастурий тизимлар талабларига муносиб ҳолда тайёрланиши зарур. Хусусан, мазкур жараёнда “iSpring”, “Moodle” дастурларидан фойдаланиш катта самара беради.

Яратилган электрон ўқув-услубий материаллар патентлаш ва молиялаштириш учун соддаштирилган ҳамда марказлаштирилган тизимларни жорий этиш даркор. Қолаверса, университет ва институтларнинг дастурий платформаларини халқаро андозаларга мослаштириш ҳам муҳим талабдир.

Таълим олувчилари баҳолашнинг шаффоф ва онлайн таълимига мослаштирилган шакллари ишлаб чиқмасдан туриб ижобий натижага эришиш қийин. Бундан ташқари, онлайн дарсларни ташкил қилишда қулай вақт режими таъминлаш чораларини қўриб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Булардан келиб чиқадиган умумий ҳулоса шундайки, Ўзбекистонда таълим беришни замонавий маркетинг концепцияси асосида йўлга қўйиш кадрлар тайёрлаш миллий сиёсатининг устувор йўналишига айланиши лозим. Бу эса келажак учун қиритилган энг катта сармоялардан бири бўлади.

Зиёдулла ҲАКИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг Менежмент ва маркетинг кафедраси мудири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001—рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 300 нусxada босилди, ҳажми — 2 табок, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАН СИФАТИ ЧОП ЭТИЛИШИГА “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусахҳиҳ — С. Исламов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.10 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6